
Шаҳар ҳокимнининг навбатдаги фуқаролар қабули

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан Халқ қабулхонасида қабулхона мудирини Зоҳиджон Хомидов иштирокида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 26 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, бандлик, соғлиқни сақлаш, бола нафақаси, газ, электр ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб 5 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 5 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2022-04-06 15:46:40